

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТАШМАТОВА ГУЛНОЗА АЪЛОЕВНА

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ (COVID 19)НИ ЎТКАЗГАН
БОЛАЛАРДА БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ВА ФУНКЦИОНАЛ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Ташматова Гулноза Аълоевна Коронавирус инфекцияси (COVID-19)ни ўтказган болаларда бронхиал астманинг клиник-иммунологик ва функционал кечиш хусусиятлари.....	3
Ташматова Гулноза Аълоевна Клинико-иммунологические и функциональные особенности детей с бронхиальной астмой, перенесших коронавирусную инфекцию (COVID-19).....	32
Tashmatova Gulnoza A'loevna Clinical, immunological and functional features of children with bronchial asthma who have suffered coronavirus infection (COVID-19).....	62
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	70

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТАШМАТОВА ГУЛНОЗА АЪЛОЕВНА

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ (COVID - 19)НИ ЎТКАЗГАН
БОЛАЛАРДА БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ВА ФУНКЦИОНАЛ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.DSc/Tib726 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган..

Илмий маслаҳатчилар:

Наврузова Шакар Истамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Халматова Барно Турдиходжаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Фуркат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Муллаева Лола Джавлановна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс: +99871-207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М.Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А.Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнги йилларда болалар ва ўсмирлар орасида бронхиал астма (БА) билан билан касалланиш муттасил ортиб бориши ва тез-тез қайталаниши, бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши, ногиронликка сабаб бўлиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, риновируслар, респиратор синцитиал вирус, аденовируслар, коронавирус ва грипп вируслари нафас йўллариининг яллиғланиши ва гиперреактивлигини кучайтириб, БА хуружлари пайдо бўлишига ёки кучайишига сабаб бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, «... пандемия ҳолатининг бекор қилинганлиги коронавирус хавфи тўлиқ йўқолганини аниқламайди»¹. Бронхиал астма патогенезининг мураккаблиги, бу касалликда беморларни олиб бориш жараёнида юзага келадиган бир катор муаммолар, ҳамда ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ушбу касалликни эрта клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида COVID билан касалланган беморларнинг ортиши, айниқса унинг асоратларини эрта босқичда ташхислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал астмада клиник-иммунологик ўзгаришларни аниқлаш, биокимёвий кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш, яллиғланиш хос ва қарши цитокинлар миқдорини аниқлашга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир каторда макро- ва микроэлементлар мувозанати, бронхлар сезувчанлиги ва уларнинг функционал ҳолатини баҳолаш, ташхислаш усулларини такомиллаштириш, дифференциал даволаш усулларини ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга эрта ташхис қўйиш, комплекс даволаш, улар асоратларини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, коронавирус инфекцияси (COVID-19)ни ўтказган

¹ <https://www.kff.org/coronavirus-covid-19/press-release/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

болаларда бронхиал астманинг клиник-иммунологик ва функционал кечиш хусусиятларини аниқлаш учун узоқ муддатли тадқиқотлар зарурлигини таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ва 2020-йил 25-июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2020 йил 27 июлдаги ПҚ-4790-сон «Ўзбекистон Республикасисанитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.³ Коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал астманинг клиник-иммунологик ва функционал кечиш хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (GINA, 2018, 2022), Children's Nutrition Research Center, Department of Pediatrics, Baylor College of Medicine (АҚШ), UNICEF, Center for Allergic and Immune Disorders (АҚШ), National Institute of Allergy and Infectious Diseases (АҚШ), Department of Prevention (Италия), Vilnius, Sveikatos mokslai (Литва), European Respiratory Society (Австрия), Murdoch Children's Research Institute (Австралия), National Institute of Biomedical Genomics, National Institute of Epidemiology (Ҳиндистон), Sveikatos mokslai Health sciences in Eastern Europe, University of Chang Gung (Тайван); Болалар саломатлиги илмий маркази (Россия), Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

Жаҳонда болалардаги бронхиал астмани клиник-иммунологик ва тиббий-ижтимоий жиҳатлари, касалликнинг эрта ташҳиси ва даволашнинг турли усулларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: аллергик касалликлар ривожланишидаги хавф омиллари, кечиши, клиник ва иммунологик ўзгаришлари аниқланган (Children's Nutrition Research Center, Department of Pediatrics, Baylor College of Medicine, АҚШ); болаларда атопик патология патогенезида ARG16GLY ва

³www.vanderbilt.edu, www.gwu.edu, www.columbia.edu, www.ovgu.de, www.dji.de, www.usp.br, www.schneider.org.il, www.cdc.gov, eng.tmu.edu.tw, karazin.ua, www.tma.uz

www.kuleuven.be

lhmc-hosp.gov.in

GLN27GLU генларининг роли аниқланган (National Institute of Biomedical Genomics, National Institute of Epidemiology, Ҳиндистон); болалар ва ўсмирларда астма ривожланишида HLA генотипининг роли аниқланган (Болалар саломатлиги илмий маркази, Москва); COVID-19 пандемияси даврида астма билан оғриган беморларни назорат қилиш учун дастурлар ишлаб чиқилган (All India Institute of Medical Sciences, Ҳиндистон); COVID-19 пандемияси шароитида турли фенотипдаги бронхиал астма билан оғриган беморларни назорат қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (National Institute of Allergy and Infectious Diseases, Мэриленд, АҚШ); коронавирус инфекциясига чалинган болаларда атопик астма ташхисида эозинофил фаоллиги аниқланган (Sveikatos mokslai Health sciences in Eastern Europe, Vilnius, Sveikatos mokslai, Литва); бронхиал астма билан оғриган болаларда метаболик синдромнинг учраш частотаси, ривожланиш омиллари, ташхислаш ва комплекс даволаш усуллари аниқланган (Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал астманинг клиник-иммунологик ва функционал кечиш хусусиятларини аниқлаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, аллергия патологиянинг хавф омилларини аниқлаш; бронхиал астма ривожланишига ирсий мойиллиги мавжудлигини аниқлаш; эрта ташхис қўйишга ёрдам берадиган биокимёвий ва иммунологик маркерларини аниқлаш; бронхиал астма кечишининг оғирлиги ва бронх-ўпка тизимининг функционал ҳолати ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш; бронхиал астма билан касалланган бемор болаларни даволаш ва бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш, коронавирус инфекциясини ўтказгандан кейин касалликни даволашнинг дифференциал усуллари самарадорлигини баҳолаш; болаларда бронхиал астма хуружини камайтириш бўйича профилактик тадбирларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида сўнгги йилларда ўтказилган кўплаб клиник тадқиқотларга кўра, нафас олиш тизимининг энг кенг тарқалган сурункали аллергия касаллиги бронхиал астма бўлиб, унинг учраш даражаси юқори. Вирусли респиратор инфекциялар болалар ва катталарда бронхиал астманинг кучайишига сабаб бўлувчи кенг тарқалган қўзғатувчилардан бири ҳисобланади (Su P., Jiang C., Zhang Y., 2023, Romero-Tapia S. J., 2023). COVID-19 пандемияси даврида аллергия ва бронхиал астма билан оғриган беморларда касалликнинг оғир кечиши ва асоратлар ривожланиш хавфи юқори бўлиши мумкинлиги тахмин қилинган, бироқ Selberg S. et al. (Selberg S. et al., 2020) статистик маълумотларни ва турли мамлакатларда олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилгандан сўнг, шуни кўрсатдики, агар астма назоратланувчи бўлса, COVID-19 инфекцияси касаллик хуружи хавфини оширувчи омил бўлиб ҳисобланмайди ва касалликнинг оғирлашишига таъсир кўрсатмайди (Chen C. ва бошқ., 2024).

Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, астмада патологик жараённинг хронизацияси беморларнинг ҳаёт сифати ёмонлашишига, улар фаоллигининг

пасайишига, ногиронликка ва ўлимнинг ошишига олиб келади (Hamadneh M., Alquran A., Manna R. 2023). Шунингдек болаларда бронхиал астманинг клиник-функционал хусусиятлари аниқланган ва ушбу тоифадаги беморлар учун профилактика дастури ишлаб чиқилган (Кравченко Н. Ю., 2023.).

Макро- ва микроэлементларнинг аллергия патогенезидаги иштирокига оид кўплаб маълумотлар мавжуд, бироқ улар тизимли таҳлил талаб этадиган тарзда тарқоқ ва қарама-қаршидир (Zajac D., 2021, Лебеденко А. А., 2023, Sindhuja S., 2023). Шу билан бирга, бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясига чалинган болаларда макро- ва микроэлементлар ҳолатини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар етарлича эмас (Moretti A., 2023).

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бронхиал астманинг патогенези ва даволаш усулларини оптималлаштириш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Ўсмирларда бронхиал астманинг патогенезида иммунологик ва генетик механизмлар ўрганилиб, шу асосда рационал диагностика ва даволаш-профилактика чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилган (Зиядуллаев Ш.Х., 2015, Агзамова Ш.А., 2021, Закирова У.И., 2021); бронхиал астмада эндотелиал тизим ҳолатини комплекс баҳолаб, иммунологик кўрсаткичлар ва носпецифик иммун омилларининг таъсири ҳамда ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш орқали касалликнинг патогенетик даволаш усуллари такомиллаштирилган (Базарова С.А., 2016); респиратор касалликлар, аллергия ринит, бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситаларини фармакосоциал баҳолашнинг назарий ва услубий асослари такомиллаштирилиб, шунингдек, улар билан таъминлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган (Суюнов Н.Д., 2017; Мухторов Ш.М., 2023); бронхиал обструкция синдроми билан оғриган болаларда ўткир респиратор касалликларни даволаш, реабилитация қилиш ва олдини олишнинг патогенетик асослари аниқланган (Хайдарова М.М., 2018; Махпиева Г.К., 2022); бронхиал астмали болаларда метаболик синдромнинг тарқалиши, хавф омиллари ва патогенези аниқланиб, уни ташхислаш ва даволашнинг комплекс ёндашувини шакллантириш учун клиник ва лаборатор хусусиятлари баҳоланган (Азизова Н.Д., 2019; Ганиев Б.С., 2023); Ўзбекистоннинг саноат ҳудудларида мактаб ўқувчилари орасида астма ва аллергия белгилари тарқалганлиги ўрганилган (Ташматова Г.А., 2020; Миррахимова М.Х., 2021).

Коронавирус инфекциясини ўтказган бронхиал астмали болаларда касалликнинг клиник, биокимёвий, иммунологик кечиш хусусиятлари ва бронх-ўпка тизимининг функционал ҳолатини аниқлаш, касалликнинг диагностикаси ва дифференциал даволаш усуллари оптималлаштириш педиатрия ва аллергиялогиянинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011800231-сонли «Болаларда бронх-ўпка ва аллергия касалликларининг кечиш хусусиятларини аниқлаш, ташхислаш ва

даволаш усуллари такомиллаштириш» (2022-2024 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади коронавирус инфекцияси (COVID-19)ни ўтказган болаларда бронхиал астманинг клиник-иммунологик ва функционал кечиш хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал астманинг асосий клиник ва функционал кўрсаткичларини аниқлаш;

бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда иммунитет ҳолатини, яллиғланишни қўзғатувчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар кўрсаткичларини аниқлаш;

коронавирус инфекциясини ўтказган бронхиал астманинг турли оғирлик даражасига эга бўлган болаларда апоптоз жараёни ҳолатини баҳолаш;

бронхиал астманинг оғирлик даражасига қараб қон зардобидаги макро- ва микроэлементлар ҳолатини аниқлаш;

клиник, иммунологик, биокимёвий, функционал кўрсаткичлар ва бронхиал астманинг оғирлик даражаси ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болалар учун комплекс ёндашув ва дифференциал даволаш схемаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бронхиал астма ташҳиси тасдиқланган 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган 178 нафар болалар, шулардан 72 нафари БА фонида COVID-19 ўтказган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бемор ва амалий соғлом болалар вена қони ва зардоби умумклиник, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, инструментал, биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда хужайравий иммунитетнинг CD3+, CD4+, CD8+ лимфоцитлари миқдори кескин камайиши ва гуморал иммунитетнинг IgE миқдори ортиши фонида патологик дисбаланс жараёни юзага келиши аниқланган;

бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал гиперреактивликнинг кучайиши фонида иммунитетнинг яллиғланишга хос (IL-8 ва TNF- α) ва яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинларининг кескин ортиши ва IFN γ миқдорининг ишонарли камайиши исботланган;

илк бор бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда вирус таъсирида апоптознинг кучайиши сабабли бронхиал астманинг оғирлик (енгил, ўрта ва оғир) даражаси билан зардобдаги sCD95 миқдорининг ортиши ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик аниқланган;

илк бор бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болалар қон зардобида К ва F элементлари миқдорининг ортиши туфайли

бронхоконстрикция, шилликнинг гиперпродукцияси ва бронхиал шиллик қаватнинг шишишига сабаб бўлувчи нейротрансмиттер ацетилхолин ҳосил бўлишига олиб келиши исботланган;

илк бор бронхиал астманинг оғирлик даражаси дисэлементознинг яққол ўзгаришларига боғлиқлиги аниқланган: енгил кечувчи бронхиал астмада Р, К ва IgE билан ижобий, Zn, Mg ва Са билан эса салбий корреляция, касаллик оғирлашган сари Р, К, Са ва IgE билан ижобий боғлиқлик сақланиб, Zn ва Mg билан салбий боғлиқлик кучайиши аниқланган

илк бор бодиплетизмография усулининг бронхиал астмали беморларнинг майда бронхларидаги обструктив ўзгаришларни аниқлашдаги аҳамияти кўрсатилган. Ушбу усулни спирометрия кўрсаткичлари норма чегарасида бўлган болаларда ҳам нафас механикасининг бузилишларини ташхислаш учун кенг қўллаш тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бронхиал астма ривожланиш хавфини эрта аниқлаш ва ташхислашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

бодиплетизмография усулининг бронхиал астмали беморларнинг майда бронхларидаги обструктив ўзгаришларни аниқлашдаги аҳамияти кўрсатилган;

бронхиал астманинг оғирлик даражасига қараб қон зардобдаги макро- ва микроэлементлар ҳолатини аниқлаш асосланган;

бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларни даволашда дифференциал ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган болалар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, инструментал, иммунологик, ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал астманинг клиник-иммунологик ва функционал кечиш хусусиятларини аниқлаш болаларда ҳужайравий иммунитетнинг CD3+, CD4+, CD8+ лимфоцитлари миқдори кескин камайиши фонида гуморал иммунитетнинг IgE миқдори ортиши сабабли патологик дисбаланс жараёни юзага келиши аниқланганлиги, бронхиал гиперреактивликнинг кучайиши сабабли иммунитетнинг яллиғланишга хос (IL-8 ва TNF- α) ва қарши (IL-4) цитокинларининг кескин ортиши фонида IFN γ миқдорининг ишонарли камайиши исботланганлиги, болаларда вирус таъсирида апоптознинг кучайиши сабабли бронхиал астманинг оғирлик (енгил, ўрта ва оғир) даражаси билан зардобдаги sCD95 миқдорининг тўғри пропорционал ортиши билан боғлиқлиги аниқланганлиги, болалар қон зардобда К ва F элементлар миқдорининг ортиши сабабли бронхоконстрикция, шилликнинг гиперпродукцияси ва бронхиал шиллик қаватнинг шишишига олиб келувчи

нейротрансмиттер ацетилхолин ҳосил бўлишига олиб келиши исботланганлиги ҳамда енгил кечувчи бронхиал астмада Р, К ва IgE билан ижобий, Zn, Mg ва Са билан эса салбий корреляция, касаллик оғирлашган сари Р, К, Са ва IgE билан ижобий боғлиқлик сақланиб, Zn ва Mg билан салбий боғлиқлик кучайиши аниқланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал астма ривожланиш хавфини эрта аниқлаш ва ташхислашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, бодиплетизмография усулининг бронхиал астмали беморларнинг майда бронхларидаги обструктив ўзгаришларни аниқлашдаги аҳамияти кўрсатилганлиги, бронхиал астманинг оғирлик даражасига қараб қон зардобдаги макро- ва микроэлементлар ҳолатини аниқлаш асосланганлиги ҳамда бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларни даволашда дифференциал ёндашувлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коронавирус инфекцияси (COVID-19)ни ўтказган болаларда бронхиал астманинг клиник-иммунологик ва функционал кечиш хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

биринчи илмий янгиллиги: бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда хужайравий иммунитетнинг CD3+, CD4+, CD8+ лимфоцитлари миқдори кескин камайиши фонида гуморал иммунитетнинг IgE миқдори ортиши сабабли патологик дисбаланс жараёни юзага келиши аниқланганлиги бўйича «COVID-19 пандемияси даврида бронхиал астмани олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари», «Бронхиал астма билан касалланган болаларда ташқи нафас олиш фаолиятини ташхислашнинг замонавий усуллари» ва «COVID-19 билан касалланган болаларда бронхиал астма ташхисининг ўзига хос хусусиятлари» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлимнинг 2022 йил 1 июндаги 8n-p/574-сонли ҳамда 2022 йил 9 июндаги 8n-p/609-сонли ва 8n-p/610-сонли хулосалари билан тасдиқланган). Мазкур таклифлар Шайхонтоҳур тумани тиббиёт бирлашмаси 40-сон оилавий поликлиникаси бўйича 16.12.2022 йилдаги 308-сонли, Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси 35-сон оилавий поликлиникаси бўйича 29.12.2022 йилдаги 48-сонли ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 14.04.2023 йилдаги 57-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/43-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал астмани эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, ногиронлик даражасини пасайтириш, асоратлар ҳолатини камайтириш ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Шайхонтоҳур ва Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмалари ҳамда Тошкент

тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилиши бронхиал астма фонида COVID-19 инфекцияси билан касалланган болаларда таклиф этилган усулларни қўллаш майда бронхлар функционал ҳолати ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш орқали ҳар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 41,7%ни тежашга имкон яратади; *хулоса*: бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда хужайравий иммунитетнинг CD3+, CD4+, CD8+ лимфоцитлари миқдори кескин камайиши фонида гуморал иммунитетнинг IgE миқдори ортиши сабабли патологик дисбаланс жараёни юзага келиши асосланган;

иккинчи илмий янгилиги: бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал гиперреактивликнинг кучайиши сабабли иммунитетнинг яллиғланишга хос (IL-8 ва TNF- α) ва яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинларининг кескин ортиши фонида IFN γ миқдорининг ишонарли камайиши исботланганлиги бўйича «COVID-19 пандемияси даврида бронхиал астмани олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари», «Бронхиал астма билан касалланган болаларда ташқи нафас олиш фаолиятини ташхислашнинг замонавий усуллари» ва «COVID-19 билан касалланган болаларда бронхиал астма ташхисининг ўзига хос хусусиятлари» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлимнинг 2022 йил 1 июндаги 8н-р/574-сонли ҳамда 2022 йил 9 июндаги 8н-р/609-сонли ва 8н-р/610-сонли хулосалари билан тасдиқланган). Мазкур таклифлар Шайхонтоҳур тумани тиббиёт бирлашмаси 40-сон оилавий поликлиникаси бўйича 16.12.2022 йилдаги 308-сонли, Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси 35-сон оилавий поликлиникаси бўйича 29.12.2022 йилдаги 48-сонли ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 14.04.2023 йилдаги 57-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/43-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал астма ҳолатини эрта баҳолаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, ногиронлик даражасини пасайтириш, асоратлар ҳолатини камайтириш ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Шайхонтоҳур ва Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмалари ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилиши бронхиал астма фонида COVID-19 инфекцияси билан касалланган болаларда таклиф этилган усулларни қўллаш майда бронхлар функционал ҳолати ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш орқали ҳар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 41,7%ни тежашга имкон яратади; *хулоса*: бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал гиперреактивликнинг кучайиши сабабли иммунитетнинг яллиғланишга хос (IL-8 ва TNF- α) ва қарши (IL-4) цитокинларининг кескин ортиши фонида IFN γ миқдорининг ишонарли камайиши асосланган;

учинчи илмий янгилиги: илк бор бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда вирус таъсирида апоптознинг кучайиши сабабли бронхиал астманинг оғирлик (енгил, ўрта ва оғир) даражаси билан зардобдаги sCD95 миқдорининг тўғри пропорционал ортиши билан боғлиқлиги аниқланганлиги бўйича «COVID-19 пандемияси даврида бронхиал астмани олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари», «Бронхиал астма билан касалланган болаларда ташқи нафас олиш фаолиятини ташхислашнинг замонавий усуллари» ва «COVID-19 билан касалланган болаларда бронхиал астма ташхисининг ўзига хос хусусиятлари» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлимнинг 2022 йил 1 июндаги 8н-р/574-сонли ҳамда 2022 йил 9 июндаги 8н-р/609-сонли ва 8н-р/610-сонли хулосалари билан тасдиқланган). Мазкур таклифлар Шайхонтоҳур тумани тиббиёт бирлашмаси 40-сон оилавий поликлиникаси бўйича 16.12.2022 йилдаги 308-сонли, Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси 35-сон оилавий поликлиникаси бўйича 29.12.2022 йилдаги 48-сонли ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 14.04.2023 йилдаги 57-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/43-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал астмани эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, ногиронлик даражасини пасайтириш, асоратлар ҳолатини камайтириш ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Шайхонтоҳур ва Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмалари ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилиши бронхиал астма фонида COVID-19 инфекцияси билан касалланган болаларда таклиф этилган усулларни қўллаш майда бронхлар функционал ҳолати ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш орқали хар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 41,7%ни тежашга имкон яратади; *хулоса:* бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда вирус таъсирида апоптознинг кучайиши сабабли бронхиал астманинг оғирлик (енгил, ўрта ва оғир) даражаси билан зардобдаги sCD95 миқдорининг тўғри пропорционал ортиши билан боғлиқлиги асосланган;

тўртинчи илмий янгилиги: илк бор бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болалар қон зардобда К ва F элементлар миқдорининг ортиши сабабли бронхоконстрикция, шиллиқнинг гиперпродукцияси ва бронхиал шиллиқ қаватнинг шишишига олиб келувчи нейротрансмиттер ацетилхолин ҳосил бўлишига олиб келиши исботланганлиги бўйича «COVID-19 пандемияси даврида бронхиал астмани олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари», «Бронхиал астма билан касалланган болаларда ташқи нафас олиш фаолиятини ташхислашнинг замонавий усуллари» ва «COVID-19 билан касалланган болаларда бронхиал астма ташхисининг ўзига хос хусусиятлари» услубий тавсияномалари ишлаб

чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлимнинг 2022 йил 1 июндаги 8н-р/574-сонли ҳамда 2022 йил 9 июндаги 8н-р/609-сонли ва 8н-р/610-сонли хулосалари билан тасдиқланган). Мазкур таклифлар Шайхонтоҳур тумани тиббиёт бирлашмаси 40-сон оилавий поликлиникаси бўйича 16.12.2022 йилдаги 308-сонли, Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси 35-сон оилавий поликлиникаси бўйича 29.12.2022 йилдаги 48-сонли ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 14.04.2023 йилдаги 57-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/43-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал астмани эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, ногиронлик даражасини пасайтириш, асоратлар ҳолатини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иктисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Шайхонтоҳур ва Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмалари ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилиши бронхиал астма фонида COVID-19 инфекцияси билан касалланган болаларда таклиф этилган усулларни қўллаш майда бронхлар функционал ҳолати ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш орқали ҳар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 41,7%ни тежашга имкон яратади; *хулоса*: бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болалар қон зардобиде К ва F элементлар миқдорининг ортиши бронхоконстрикция, шилликнинг гиперпродукцияси ва бронхиал шиллик қаватнинг шишишига олиб келувчи нейротрансмиттер ацетилхолин ҳосил бўлишига олиб келиши асосланган;

бешинчи илмий янгиллиги: илк бор бронхиал астманинг оғирлик даражаси дисэлементоз сабабли енгил кечувчи бронхиал астмада P, K ва IgE билан ижобий, Zn, Mg ва Ca билан эса салбий корреляция, касаллик оғирлашган сари P, K, Ca ва IgE билан ижобий боғлиқлик сақланиб, Zn ва Mg билан салбий боғлиқлик кучайиши аниқланганлиги бўйича «COVID-19 пандемияси даврида бронхиал астмани олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари», «Бронхиал астма билан касалланган болаларда ташқи нафас олиш фаолиятини ташхислашнинг замонавий усуллари» ва «COVID-19 билан касалланган болаларда бронхиал астма ташхисининг ўзига хос хусусиятлари» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлимнинг 2022 йил 1 июндаги 8н-р/574-сонли ҳамда 2022 йил 9 июндаги 8н-р/609-сонли ва 8н-р/610-сонли хулосалари билан тасдиқланган). Мазкур таклифлар Шайхонтоҳур тумани тиббиёт бирлашмаси 40-сон оилавий поликлиникаси бўйича 16.12.2022 йилдаги 308-сонли, Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси 35-сон оилавий поликлиникаси бўйича 29.12.2022 йилдаги 48-сонли ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 14.04.2023 йилдаги 57-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/43-сонли хулосаси);

ижтимоий самарадорлиги: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда бронхиал астмани эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, ногиронлик даражасини пасайтириш, асоратлар ҳолатини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Шайхонтоҳур ва Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмалари ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилиши бронхиал астма фонида COVID-19 инфекцияси билан касалланган болаларда таклиф этилган усулларни қўллаш майда бронхлар функционал ҳолати ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш орқали ҳар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 41,7%ни тежашга имкон яратади; *хулоса:* астманинг оғирлик даражаси енгил кечувчи бронхиал астамада P, K ва IgE билан ижобий, Zn, Mg ва Ca билан эса салбий корреляция, касаллик оғирлашган сари P, K, Ca ва IgE билан ижобий боғлиқлик сақланиб, Zn ва Mg билан салбий боғлиқлик кучайиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 8 та, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда бронхиал астманинг клиник-функционал хусусиятлари ҳақида замонавий тасаввурлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиёт манбалари бўйича таҳлилий шарҳ келтирилган, болаларда БА муаммоси ҳақидаги замонавий тасаввурлар таҳлил қилинган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилиб, муаммонинг долзарблиги асосланган. Коронавирус инфекциясини бошидан ўтказган болаларда бронхиал астма патогенезида ҳужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларининг иштироки ҳамда цитокинларнинг роли

кўрсатилган. Айниқса, COVID-19 даврида болаларда БА кечиши, макро- ва микроэлемент ҳолати, шунингдек, бронх-ўпка тизимининг функционал ҳолатини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф томонидан ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ва аниқлашни талаб қилувчи жиҳатлари белгилаб берилган.

Диссертациянинг «Текширилган болаларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган. Ушбу тадқиқот ишида бронхиал астма ташхиси (GINA 2022) бўйича тасдиқланган 7–15 ёшли 178 беморда ўпка респиратор функциясининг клиник, лаборатор ва функционал параметрларини ўрганиш маълумотлари келтирилган. Назорат гуруҳини амалий соғлом бўлган, аналогик ёшдаги 56 нафар бола ташкил этди. Танлаб олинган болалар 2 гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳни бронхиал астманинг турли оғирлик даражалари ташхиси қўйилган, COVID-19 ташхиси (анамнезида U07.1 вирусига тест натижаси ижобий) тасдиқланган, 72 нафар болалар; 2-гуруҳни турли оғирлик даражадаги бронхиал астма ташхиси қўйилган, коронавирус инфекциясига чалинмаган, COVID-19 ўтказган беморлар билан контактда бўлмаган, U07.1 вирусига тест натижаси салбий бўлган 106 нафар болалар ташкил этди.

Барча болалар жинси, ёши ва БА касаллигининг оғирлик даражасига кўра тақсимланган (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқотга киритилган БАли беморларнинг кўрсаткичлари

Мезонлар		1-гуруҳ n=72	2-гуруҳ n=106	Жами n=178
Ўртача ёш, йилларда		9,4±0,11	11,2±0,13	10,3±0,12
7–12 ёш		46 (63,8%)	73 (68,8%)	119 (66,85%)
13–15 ёш		26 (36,1%)	33 (31,1%)	59 (33,14%)
Жинси	Ўғил болалар	42 (58,3%)	64 (60,4%)	106 (59,5%)
	Қиз болалар	30 (41,6%)	42 (39,6%)	72 (40,44%)
Оғирлик даражаси	Енгил	20 (27,7%)	24 (22,6%)	44 (24,7%)
	Ўрта оғир	37 (51,4%)	61 (57,5%)	98 (55,1%)
	Оғир	15 (20,8%)	21 (19,8%)	36 (20,2%)

1-жадвал маълумотларига кўра, ёш гуруҳлари бўйича 7–12 ёшдаги болалар (66,85%), жинс бўйича ўғил болалар (59,5%) устунлик қилган. Оғирлик даражаси бўйича эса беморларнинг асосий қисмини БАнинг ўрта оғир даражаси ташкил этган (55,1%).

Ташқи нафас функциясини текшириш. Тадқиқотда пикфлоуметрия, спирометрия ва бодиплетизмография (БПГ) усулларидан фойдаланилган. Бодиплетизмография текшируви *Master Screen Body (Jaeger, Германия)* қурилмаси ёрдамида амалга оширилган.

Иммунологик усуллар. Қон зардобидаги умумий IgE (IgE, МЕ/мл) миқдори COBAS E 411 қурилмасида иммунохемилюминисцент усули ёрдамида аниқланди. Қоннинг клиник таҳлили даволаш даврида ҳар 30 кунда амалга оширилди. Тадқиқот доирасида замонавий иммунологик усуллар ёрдамида COVID-19 ўтказган бронхиал астма билан касалланган беморларнинг иммун ҳолати баҳоланган. Хусусан, лимфоцитларнинг субпопуляция таркибини миқдорий аниқлаш амалга оширилди, бу иммунитетнинг ҳужайра бўғини ҳолатини баҳолашнинг муҳим диагностик мезони ҳисобланади.

Таҳлил лимфоцитларнинг юза антигенларига моноклонал антитаначалардан фойдаланган ҳолда билвосита розетка ҳосил қилиш усули билан амалга оширилган: CD3+ (умумий Т-лимфоцитлар), CD4+ (Т-хелперлар), CD8+ (цитотоксик Т-лимфоцитлар), CD16+ (табiiй киллерлар, НК-ҳужайралар), CD20+ (В-лимфоцитлар). Периферик қон зардобида А, G ва М иммуноглобулинларини аниқлаш учун «Вектор-Бест» АЖ (Санкт-Петербург) томонидан ишлаб чиқарилган тест тизими қўлланилди.

IL-4; IL-8; TNF- α ; IFN γ цитокинларининг концентрацияси «Цитокин» МЧЖ (Санкт-Петербург юқори соф биопрепаратлар ИТИ) реактивлари тўплами ёрдамида ИФТ усули билан аниқланган.


БА билан оғриган болаларда қон таркибидаги макро- ва микроэлементларни аниқлаш «Perkin Elmer» спектрофотометрида (АҚШ) нейтрон-фаоллашув таҳлили усули ёрдамида амалга оширилган. Лимфоцитларда апоптозни аниқлаш TUNEL методи (Terminal deoxynucleotidyl transferase dUTP Nick End Labeling) орқали ўтказилди.

Олинган маълумотларни қайта ишлаш альтернатив-вариацион статистика усуллари ёрдамида амалга оширилди. Бунда стандарт дастурлар - Excel 10.0 ва «Статистика» дастури қўлланилди. Ҳисоб-китобларда Пирсон коэффициенти, хи-квадрат (χ^2) ва Фишер усулидан фойдаланилган. Корреляцион таҳлил Спирмен (R_s) ва Пирсон (r) усулларида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**COVID-19 ўтказган болаларда бронхиал астма касаллигининг ривожланиши ва кечиши хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида бронхиал астманинг ривожланишига таъсир этувчи механизмлар ҳамда БАга чалинган болаларда коронавирус инфекциясининг кечиш хусусиятлари ёритилган. Текширувдан ўтганларнинг 87,02% қисмида атопияга ирсий мойиллик аниқланди. Шундай қилиб, 51,68% ҳолатда кузатув остига олинган беморларнинг ота-оналаридан бирида бронхиал астма, 20% - аллергия ринит, 19% - атопик дерматит ва 25% - поллиноз билан касалланганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, ушбу болалар оналарининг 20,35% ва оталарининг 32,4% қисми аллергия белгиларига эгаллиги аниқланди.

БА хуружларини кучайтирувчи омиллар 1-расмда келтирилган. Энг муҳим триггерлар қаторига сабабчи-аҳамиятли алергенлар билан контакт (95,64%) ва респиратор инфекциялар (77,33%) кирган. Жисмоний юклама, об-ҳаво ўзгаришлари ва метеороит ўзгариши астма хуружларини нисбатан камроқ (мувофиқ равишда 43,31% ва 46,22%) қўзғатган. Беморларнинг нафас

йўллари сенсибилизация қилувчи омиллар таҳлили аллергологик текширув натижаларига асосланиб олиб борилди. Бу мақсадда болаларнинг қон зардобида специфик IgE микдори аниқланди.



1-расм. Болаларда бронхиал астма хуружларини кўзгатувчи асосий омиллар (%)

Астманинг энг кўп учрайдиган сабаблари маиший (79,78%), гулчанглари (66,29%) ва озик-овқат (77,91%) аллергенларидир. 26,27% ҳолларда турли гурӯҳлардаги аллергенлар бир вақтнинг ўзида бронх-ўпка тизимида яллиғланишни келтириб чиқаришда қатнашган, бинобарин, 1-гурӯҳдаги беморларда поливалент аллергия улуши 31,08% ни ташкил этди. Болаларнинг 6% қисмида дори аллергияси аниқланди, бу маълумот боланинг амбулатор карталарида қайд этилган.

Тадқиқотимизнинг мақсадига мувофиқ, бронхиал астма билан оғриган болаларда коронавирус инфекциясининг клиник ва лаборатор хусусиятларини ўрганишга асосий эътибор қаратилди. Биз томондан бронхиал астманинг турли оғирлик даражалари билан оғриган болаларда амбулатор карталар ва касаллик тарихи маълумотлари асосида COVID-19 касаллигининг кўринишлари баҳоланди. 2020-йил март ойидан 2021-йил январигача 1-Зангиота касалхонасининг болалар бўлимида стационар даволанган COVID-19 ўтказган бронхиал астма билан касалланган 7-15 ёшли болаларнинг 27 та касаллик тарихи ҳамда 45 та амбулатор карталари ўрганилди.

Тадқиқотда иштирок этган болаларнинг 54,2% қисмида COVID-19 нинг энгил шакли, 43,1%ида COVID-19 нинг ўртача шакли, 2,8 %ида эса COVID-19 нинг оғир шакли (анамнез маълумотлари асосида) қайд этилган.

COVID-19 нинг дастлабки симптомлари ўткир ости тарзда ривожланган: 48,6% болаларда тан ҳарорати субфебрил бўлиб, ўткир респираторли инфекциялар шаклида кечган.

Текширувдан ўтган болаларда аксарият ҳолатларда куруқ, безовта қилувчи йўтал (76,3%), бурун орқали нафас олишнинг бузилиши (73,6%) ва ринорея (69,3%) кузатилган.

COVID-19 даврида бронхиал обструкция симптомлари, нафас қисилиши хуружлари, нафас олиш қийинлашуви, масофадан эшитиладиган


хуштаксимон хириллашлар, олдиндан аниқ белгилари бўлмаган ҳолда 17,3% беморларда кузатилган, бу ҳолат SARS-CoV-2 инфекцияси фонида БАнинг хуружланиш эҳтимоли борлигини кўрсатади. Бундай хуружнинг асосий сабаби беморларда БА устидан назоратнинг йўқлиги ва адекват базис терапиянинг олиб борилмаганлиги бўлган. COVID-19 асосий белгилари бартараф этилгандан кейин ҳам айрим симптомлар сақланиб қолган. Бу ҳолат қисман назорат сифатида баҳоланган бўлиб, кўпроқ ўртача оғирликдаги БАга эга болаларда кузатилган.

Шундай қилиб, тадқиқот давомида олинган маълумотлар аллергия касалликлар, жумладан бронхиал астма билан оғриган болаларда COVID-19 нинг анча енгил кечишини кўрсатувчи хорижий илмий тадқиқотлар натижаларини тасдиқлайди. Бу беморларнинг ушбу тоифасидаги иммунитет реакциясининг хусусиятлари, шу жумладан нафас йўлларида ACE2 рецепторлари экспрессиясининг камайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, бу SARS-CoV-2 вирусининг нишон ҳужайраларга киришини потенциал равишда чеклайди.

Беморларнинг аксариятида (93,7%) коронавирус инфекциясини ўтказгандан кейин камида 3 ой сақланиб қоладиган жисмоний ва эмоционал зўриқишларга толерантликнинг пасайганлиги алоҳида эътиборни тортади. Бу нафас олиш ва юрак-қон томир тизимларининг функционал ҳолатига инфекция асоратларининг узоқ муддатли таъсиридан далолат беради, шунингдек, бронхиал астма билан оғриган болаларда ковиддан кейинги синдром механизмларини қўшимча ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

Аниқланган ўзгаришлар беморларнинг ушбу гуруҳини узоқ муддатли динамик мониторинг қилиш, ковиддан кейинги юзага келиши мумкин бўлган асоратларни эрта аниқлаш ва коррекция қилишга қаратилган комплекс текширув ўтказиш муҳимлигини кўрсатади.

Коморбид аллергопатологиянинг структурасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳар иккала гуруҳда БА кўпинча аллергия ринит билан бирга келди (76,4%; 80,2%). Текширилган беморларда кўпинча БА кечишига таъсир қилиши мумкин бўлган ёндош патология мавжудлиги кузатилди (2-расм).



2-расм. Беморларда учрайдиган ҳамроҳ касалликлар (%)

2-расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 1-гурӯх болаларида клиник симптомлар 2-гурӯх болаларига нисбатан кўпроқ ифодаланган ($p < 0,001$).

Клиник индекс мезонлари бронхиал астманинг қуйидаги симптомларини ўз ичига олди: енгил даражадаги БАнинг хуруж даврида йўталнинг давомийлиги $3,2 \pm 0,8$ кунни ташкил этди, ўпкада хириллашлар $3,0 \pm 1,0$ кун, дағал нафас - $4,0 \pm 0,8$ кун давомида эшитилди. Шу билан бирга, оғир даражадаги астмада бу симптомларнинг давомийлиги мос равишда $9,2 \pm 1,0$, $8,1 \pm 1,1$ ва $10,3 \pm 0,9$ кунни ташкил этди.

Бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини бошидан кечирган болаларнинг иммун ҳолатини ўрганиш мақсадида биз томонимиздан бронхиал астманинг хуруж даврида бўлган 125 нафар болаларнинг таҳлили ўрганилди. Улардан 60 нафари COVID-19 инфекциясини ўтказган. Иммун ҳолати таҳлили натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги болаларда хужайравий иммунитет кўрсаткичлари, БА хуруж даври ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	Амалий соғлом болалар (n=20)	1-гурӯх БА+COVID-19 (n=65)		2-гурӯх БА (n=60)		p	p ₂
		Ўрта оғир	Оғир	Ўрта оғир	Оғир		
Лейкоцитлар, абс.	$6677,8 \pm 167,9$	$5815,1 \pm 39,93$	$5517,3 \pm 37,93$	$6069,33 \pm 41,73$	$5919,39 \pm 39,73$	<0,001	<0,001
Лимфоцитлар, %	$33,5 \pm 0,5$	$41,23 \pm 0,96$	$45,18 \pm 1,03$	$37,47 \pm 0,89$	$40,18 \pm 0,95$	<0,01	<0,01
CD3 ⁺ -лимф., %	$61,5 \pm 2,2$	$31,34 \pm 0,77$	$22,27 \pm 0,69$	$46,57 \pm 0,67$	$29,27 \pm 0,87$	<0,05	<0,001
CD4 ⁺ -лимф., %	$39,1 \pm 2,1$	$24,25 \pm 0,61$	$15,25 \pm 0,61$	$30,25 \pm 0,61$	$22,52 \pm 0,5$	<0,05	<0,001
CD8 ⁺ -лимф., %	$19,5 \pm 1,8$	$12,4 \pm 0,41$	$10,4 \pm 0,32$	$15,6 \pm 0,47$	$13,1 \pm 0,43$	>0,05	<0,05
(CD4 ⁺ /CD8 ⁺) ИРИ	$2,0 \pm 0,2$	$1,81 \pm 0,09$	$1,6 \pm 0,11$	$1,83 \pm 0,08$	$1,72 \pm 0,09$	<0,05	<0,05
CD16 ⁺ -лимф., %	$10,2 \pm 1,3$	$14,38 \pm 0,54$	$18,2 \pm 0,37$	$14,17 \pm 0,53$	$16,75 \pm 0,6$	>0,05	<0,05
CD20 ⁺ -лимф., %	$16,4 \pm 0,5$	$24,37 \pm 0,57$	$40,69 \pm 1,01$	$22,67 \pm 0,52$	$28,7 \pm 0,61$	<0,05	<0,001
ФАН, %	$58,5 \pm 2,3$	$43,3 \pm 0,78$	$24,32 \pm 0,79$	$47,1 \pm 0,81$	$33,3 \pm 0,68$	<0,01	<0,001

Изоҳ: p – I ва II гуруҳ беморлари кўрсаткичлари ўртасидаги ишончли фарқ; p₂ – II гуруҳ ва назорат гуруҳи (НГ) кўрсаткичлари ўртасидаги ишончли фарқ.

2-жадвал маълумотларига кўра, бронхиал астмали болаларда CD3⁺, CD4⁺ ва CD8⁺ лимфоцитлар даражаси назорат гуруҳига нисбатан ишончли даражада пасайган ($p < 0,01$), CD20⁺ эса сезиларли ошган ($28,7 \pm 0,61\%$; $p < 0,001$). БА+COVID-19 билан касалланган болаларда иммунологик

бузилишлар янада чуқурлашган: CD3+ — 1,65 мартага (31,34±0,77%), CD4+ — 2,3 мартага (15,2±0,67%), CD8+ — 1,7 мартага (10,42±0,32%) камайган (барчаси p<0,001). CD20+ эса 40,7±1,01% ни ташкил этиб, БА гуруҳига нисбатан анча юқори бўлган (p<0,001).

Цитокин статусини таҳлил қилиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги болаларда цитокинлар миқдори, (M±m)

Кўрсаткичлар	НГ (n=20)	I гуруҳ БА+COVID-19 (n=65)		II гуруҳ БА (n=60)		P	P ₂
		Ўрта оғир	Оғир	Ўрта оғир	Оғир		
TNF α (пг/мл)	28,4±1,5	80,53±2,6	130,7±3,04	55,4±1,5	75,54±2,45	<0,01	<0,001
IL – 4 (пг/мл)	4,6±0,6	30,62±1,12	45,53±1,57	20,7±0,34	22,72±0,53	>0,05	<0,001
IFN γ (пг/мл)	34,3±2,7	15,43±0,7	7,05±0,4	18,62±0,6	22,47±0,8	>0,05	<0,01
IL – 8 (пг/мл)	19,2±2,4	95,54±2,77	130,5±3,16	80,45±2,27	100,77±2,45	<0,001	<0,001

Изоҳ: p – I ва II гуруҳ беморлари ўртасидаги кўрсаткичлар фарқининг ишончилиги; p₂ – II гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасидаги кўрсаткичлар фарқининг ишончилиги.

Цитокин статус таҳлили натижалари шундан далолат бердики, фақат БА билан оғирган болаларда IL-4 даражаси назорат гуруҳига нисбатан сезиларли ошган (p<0,01) — ўрта оғирликда 20,7±0,34 нг/мл, оғир шаклда 22,72±0,53 нг/мл. БА+COVID-19 гуруҳида эса бу кўрсаткич 45,53±1,57 нг/мл га етди. IL-4 даражасининг сезиларли ошиши Th2-типдаги иммун жавоб устунлиги ва иммуносупрессия ривожланишига ишора қилади.

IL-8 концентрацияси БА+COVID-19 гуруҳида анча юқори: оғир ҳолатда — 130,5±3,16 пг/мл, ўрта оғирликда — 95,54±2,77 пг/мл (назорат: 19,2±2,4 пг/мл). Фақат БАли болаларда ҳам IL-8 юқори (100,77±2,45 пг/мл). Барча ҳолатларда фарқлар статистик аҳамиятга эга (p<0,001).

IFN- γ даражаси БА+COVID-19 гуруҳида сезиларли пасайган (оғир шаклда — 7,05±0,4 пг/мл, назорат: 34,3±2,7 пг/мл), ўрта оғирликда — 15,43±0,7 пг/мл. Фақат БА гуруҳида ҳам пасайиш кузатилган, аммо камроқ (22,47 ± 0,8 пг/мл). Бу ҳолат касалликнинг узок ва қайта-қайта кечишига сабаб бўлади.

TNF- α БА+COVID-19 гуруҳида оғир ҳолатда юқори (130,7 ± 3,04 пг/мл), назорат гуруҳидан (28,4 ± 1,5 пг/мл) ва ўрта оғирликдаги беморлардан (80,53 ± 2,6 пг/мл) анча юқори. Фақат БА гуруҳида TNF- α даражаси ҳам ошган (75,54 ± 2,45 пг/мл), бу макрофаг фаоллиги ва яллиғланиш жараёни кучайганини кўрсатади.

Тадқиқотимиз давомида қон зардобиди макро ва микроэлементларнинг ҳолати ўрганилди. БА бўлган болаларда назорат гуруҳига киритилган болаларга нисбатан ишончли фарқлар қайд этилди (4-жадвал).

4-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, БА билан оғриган беморларда Магний (37,76 ва 40,82 ммоль/л; $p = 0,01$), Кальций (1,9 ва 1,7 ммоль/л; $p < 0,0001$) ва Рух (45,28 ва 42,56 мг/дл, $p < 0,0001$) назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан пасайганлиги кузатилди.

4-жадвал

Қон зардоби таркибидаги макро- ва микроэлементлар кўрсаткичлари

№	микро- и макроэлементлар	1-гуруҳ n=72	2-гуруҳ n=106	Назорат гуруҳи n = 56
1	Магний (ммоль/л, м)	37,76±0,52*	40,82±0,48*	67,27±0,61
2	Кальций (ммоль/л, м)	1,9±0,07*	1,7±0,05*	2,3±0,08
3	Фосфор (ммоль/л, м)	2,5±0,09**	2,17±0,08**	0,92±0,04
4	Калий (ммоль/л, м)	3,27±0,11**	3,18±0,10**	0,71±0,03
5	Цинк (мг/дл, м)	45,28±1,02*	42,56±0,97*	67,27±1,15

Изоҳ: $p < 0,05-0,001$ соғлом болалар кўрсаткичлари билан солиштирилганда.

Аксинча, бронхиал астма билан оғриган, лекин коронавирус инфекциясини ўтказмаган болаларда Фосфор (2,5 ва 2,17 ммоль/л $p < 0,0001$) ва Калий (3,27 ва 3,18 ммоль/л $p = 0,0002$) кўрсаткичларининг назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлиши қайд этилди.

Коронавирус инфекциясини ўтказган бронхиал астмали беморларда дисэлементоз, айниқса хуруж даврида, муҳим аҳамият касб этди. Магний миқдорининг пасайиши ион ташиш тизимлари фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, антирадикал ҳимояни сусайтиради. Кальций гомеостазининг бузилиши ва рух танқислиги эса апоптоз жараёнини кучайтиради.

БАнинг енгил ва ўрта оғир шакли билан оғриган болаларда лимфоцитларнинг апоптоз даражаси назорат гуруҳига (9,23±1,87) нисбатан пастроқ эканлиги (6,37±0,21) қайд этилди.

БАнинг оғир шаклидаги болаларда апоптотик ҳужайралар сони 12,81±3,45 ни ташкил этди. Зардобдаги sCD95 миқдорининг ошиши коронавирус инфекциясидан кейинги БА оғирлиги ва намоён бўлишига боғлиқ экани аниқланди. БАнинг енгил шаклида sCD95 даражаси 521,5±18,4 пг/мл, оғир шаклида 634,2±23,9 пг/мл ($p < 0,05$), БА+COVID-19 ҳолатида эса 710,8±25,1 пг/мл ($p < 0,01$) бўлди. Бу вирус таъсирида апоптознинг кучайганини кўрсатади. Тадқиқот натижалари FAS ва TRAIL орқали индукцияланган апоптоз механизмларида ўзгаришлар мавжудлигини, айниқса оғир шаклда ва COVID-19 билан боғлиқ ҳолатларда, тасдиқлайди.

Диссертациянинг «**Бронхиал астмада ўпканинг функционал ҳолати**» деб номланган тўртинчи боби спирометрия ва бодиплетизмография натижаларининг тавсифига бағишланган.

Ташқи нафас функциясини баҳолаш учун тадқиқот гуруҳларида барча болаларга компьютер спирографияси ўтказилди (5-жадвал).

5-жадвал маълумотларига кўра, I гуруҳдаги болаларда спирометрик кўрсаткичлар анча паст экани аниқланди. ЎФТС 62,8±0,82% бўлиб, назорат гуруҳидан 1,63 ва II гуруҳдан 1,18 марта паст. ФНЧХ₁ кўрсаткичи 63,1±0,9%

ни ташкил этди, бу назорат гуруҳига нисбатан 1,6 ва БА гуруҳига нисбатан 1,2 марта кам. Тиффно индекси $68,75 \pm 1,8\%$ бўлиб, назорат гуруҳидан 1,3 марта паст, БА гуруҳида эса $77,4 \pm 1,2\%$ ни ташкил этди.

5-жадвал

Текширилган гуруҳлардаги болаларнинг ташқи нафас фаолияти натижалари, (M±m)

№	Кўрсаткичлар	Амалий соғлом болалар (n=56)	1-гуруҳ БА+COVID-19 (n=72)	2-гуруҳ БА (n=106)	P
1.	ЎФТС	102,8±2,4	62,8±0,82	74,12±1,8	>0,05
2.	ФНЧХ1	101,5±3,1	63,1±0,9	73,7±1,3	<0,05
3.	Тиффно индекс	87,4±3,2	68,75±0,8	77,4±1,2	<0,05
4.	ЛХТ 25	87,12±2,1	61,27±1,1	57,6±0,9	<0,05
5.	ЛХТ 50	93,74±1,7	44,5±0,86	51,45±2,1	<0,001
6.	ЛХТ 75	106,67±3,2	67,2±1,7	63,1±1,27	<0,05

Изоҳ: p – I ва II гуруҳ кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилик даражаси.

ЛХТ 25, 50, 75 кўрсаткичларидан ўрта калибрли бронхлардаги ўзгаришлар сезиларли бўлиб, I гуруҳда ЛХТ 50 $44,5 \pm 0,86\%$ (НГдан 2,1 марта паст), II гуруҳда эса $51,45 \pm 2,1\%$ бўлган.

Олинган маълумотларга асосланиб, 2-гуруҳдаги 83 нафар (78,3%) болада ўпка вентиляцияси бузилишининг обструктив типи устунлик қилганлиги аниқланди, 1-гуруҳда эса 42 нафар (58,3%) болада кузатилди. 1-гуруҳда ўпка вентиляцияси бузилишининг рестриктив типи 21 (29,2%), 2-гуруҳда эса – 16 нафарни (15,1%) ташкил этди, шунингдек барча гуруҳларда вентиляция бузилишининг пастки аралаш типи кузатилди: мос равишда 9 (12,5%) ва 7 (6,6%).

Шундай қилиб, бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда респиратор дисфункция кузатилди, бу ҳатто ремиссия даврида ҳам сақланиб қоладиган обструктив бузилишлар билан намоён бўлди. Бу бронх-ўпка тизимида узок муддатли персистирловчи яллиғланиш жараёни мавжудлигидан далолат беради. Оғир бронхиал обструкциянинг ривожланиши нафас олиш аппаратининг заҳира ва чегаравий имкониятларини сезиларли даражада пасайишига олиб келади, бу ўпка тириклик сиғимининг учдан бир қисмига камайиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот вазифаларидан бири бодиплетизмография орқали периферик бронхлар ҳолатини баҳолаш эди. Энг кўп ўзгаришлар нафас чиқаришдаги бронхиал қаршиликда кузатилиб, 25 болада (36,7%) ошиши қайд этилди. Шунингдек, 15 нафарда (22,1%) умумий, 9 нафарда (13,2%) нафас олишдаги қаршилик ошган. БАнинг ўртача оғир шаклидаги беморларда 8 ҳолатда (10,2%) ўпканинг умумий сиғими (ЎУС) ва қолдиқ ҳажми (ЎҚХ) ошган. ЎҚХ/ЎУС нисбати 7 болада (9,0%) юқори бўлган.

Спирометрия кўрсаткичлари меъёрда бўлган беморларда бодиплетизмографияни қўллаш 22 болада (25,4%) кўшимча обструктив

Ўзгаришларни аниқлаш имконини берди. БА фонида COVID-19 ўтказган болаларда функционал ҳолат ўрганилганда, 47 нафарда (65%) бронхиал обструкция белгилари аниқланди. Уларнинг 29 нафариди (37,2%) ЎХТ 25–75 кўрсаткичининг пасайиши кузатилди.

БПГ натижаларига кўра, БА фонида COVID-19 ўтказган 68 болада (94,4%) ЎУС ўсиши, 64 нафариди (88,8%) ЎҚХ юқорилиги ва 59 нафарда (81,9%) ЎҚХ/ЎУС нисбатининг ошиб кетиши аниқланди. Нафас чиқаришдаги бронхиал қаршилик 47 нафарда (65,2%), умумий қаршилик 63 нафарда (87,2%), нафас олишдаги қаршилик 38 нафарда (52,7%) юқори бўлган.


Функционал тестлар барча параметрларда сезиларли фарқлар билан ўтди; назорат гуруҳида бу ўзгаришлар кузатилмади. БА бўлган беморларда БПГ 16 ҳолатда (10,9%) марказий, 7 ҳолатда (4,8%) аралаш ва 80 нафарда (54,7%) периферик бронхлардаги ўзгаришларни аниқлади. Шу жумладан, 45 болада (30,8%) майда бронхлар патологиясининг эрта белгилари қайд этилди. Обструкция давомийлиги 5 йилдан ошган болаларда кўпроқ кузатилган.

Шундай қилиб, БА фонида COVID-19 ўтказган БПГни анъанавий спирометрия билан биргаликда қўллаш БА билан оғриган беморларда нафас олиш бузилишларини диагностика қилиш самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

Диссертациянинг «COVID-19 ўтказган бронхиал астма билан оғриган болаларда клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг корреляцион боғлиқлиги» номли бешинчи бобида микроэлемент ҳолати билан клиник, иммунологик ва функционал параметрлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таҳлил қилинган маълумотлар келтирилган.

Касалликнинг клиник кечиши ва лаборатор кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш мақсадида макро- ва микроэлементлар статуси ташқи нафас функцияси (ФНЧТ1, ЎХТ 25–75, ЎҚХ, ЎУС), яллиғланиш маркерлари (С-реактив оқсил) ва иммунологик кўрсаткичлар (IgE, эозинофиллар фаоллиги) билан корреляцион таҳлил қилинди.

Хуштаксимон нафас ва K^+ ўртасида ўртача ($r=+0,57$), Ca^{2+} билан эса кучсиз ($r=-0,37$) корреляция аниқланди (3-расм).



3-расм. 1-гурух беморларида бронхиал астманинг оғирлик даражаси билан лаборатория кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

Қўзишлар частотаси билан Ca^{2+} ($r=-0,42$), K^+ ($r=+0,8$) ва P ($r=+0,71$) ўртасида аниқ боғлиқлик мавжуд. COVID-19 ўтказган болаларда касалликнинг оғирлиги ва Рух даражаси ўртасида кучли салбий корреляция кузатилди ($r=-0,68$; $-0,72$; $-0,88$). БА бўлган, лекин коронавирус инфекцияси ўтказмаган болаларда бундай боғлиқлик кучсиз бўлган. Барча гуруҳларда фосфор ва калий ўртасида ижобий боғлиқлик аниқланган бўлиб, БАнинг оғир шаклида коэффицентлар юқори ($r=0,78$ ва $r=0,65$) бўлди.

Бу маълумотлар БА клиникаси ва лаборатория кўрсаткичлари ўртасида комплекс ёндашув зарурлигини кўрсатиб, персоналлаштирилган даволашни такомиллаштиришга ёрдам беради. COVID-19 ўтказганларда электролит дисбалансини эрта аниқлаш ва даволаш асоратлар хавфини камайтиради.

Инструментал текширувлар кўрсаткичлари ва БАнинг клиник кўринишлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганиш учун БАнинг клиник кўринишлари билан спирометрия параметрларини таҳлил қилинди.

БА нинг енгил кечиши бўлган болаларда кундузги хуружлар сони ва тезлик параметрлари ФНЧХ1 ($r=-0,18$, $p=0,007$), НЧТ ($r=-0,20$, $p<0,001$) ва ФНЧХ1/НЧЖТ ($r=-0,21$, $p<0,001$) билан кучсиз тесқари корреляцияда бўлди. Қисқа таъсирли β_2 -агонистлар қўллаш частотаси ҳам ФНЧХ1 ($r=-0,14$, $p=0,045$) ва ФНЧХ1/НЧЖТ ($r=-0,19$, $p<0,001$) билан манфий боғлиқлик кўрсатди.

Ўртача оғир ва оғир БА билан, коронавирус инфекциясини ўтказмаганларда, ФНЧХ1 ва кундузги ҳамда тунги хуружлар орасида ҳам кучсиз салбий корреляциялар аниқланди. COVID-19 ўтказганларда тунги бўғилиш хуружлари ва ФНЧХ1 орасида эса сезиларли салбий корреляция мавжуд ($r=-0,54$ ва $r=-0,58$, $p=0,005$).

COVID-19 ўтказган болаларда қисқа таъсирли β_2 -агонистларга эҳтиёж ва ЎФТС кўрсаткичи орасида кучсиз манфий боғлиқлик аниқланди ($r=-0,35$, $p=0,48$). Бу БА билан коронавирус инфекциясида клиник симптомлар ва спирометрия кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик кучайишини кўрсатади.

Шу билан барча гуруҳларда БА оғирлик даражасидан қатъи назар, касаллик клиник оғирлиги ва спирометрия параметрлари ўртасида кучсиз корреляция борлиги аниқланди.

БПГ кўрсаткичлари ва БА клиник кўринишлари ўртасидаги корреляция таҳлилини ўтказишда биз БА+COVID 19 бўлган болаларда аҳамиятли ижобий боғлиқликларни аниқладик. Кундузги хуружлар сони ва нафас чиқаришнинг бронхиал қаршилиги параметри ўртасида энг яқин боғлиқликлар аниқланди. 2-гурухда астманинг клиник кўринишлари ва БПГ индекслари ўртасида ўртача боғлиқликлар қайд этилди (6-жадвал).

Олинган маълумотлар бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини бошидан кечирган болаларда майда бронхларда ўзгаришлар кузатилишини тасдиқлайди. Шунингдек, касаллик симптомларининг прогрессияси бронхиал қаршилиқ кўрсаткичларининг янада сезиларли ошиши билан бирга кечиши БПГ натижалари орқали аниқланди.

Бодиплетизмография (БПГ) кўрсаткичлари ва клиник симптомлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

Текширилаётган контингент	1-гуруҳ, БА фонида COVID-19 ўтказган беморлар		2-гуруҳ, БА билан касалланган болалар	
	Кундузги хуружлар	Тунги хуружлар	Кундузги хуружлар	Тунги хуружлар
ЎУС	0,77	0,88	0,72	0,51
ЎҚХ	0,82	0,85	0,58	0,65
ЎҚХ/ЎУС	0,63	0,58	0,66	0,71

Изоҳ. Кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги ($p < 0,0001$)

Ўртача оғир ва оғир БАли болаларда нафас чиқаришнинг бронхиал қаршилиги параметри билан заиф ижобий боғлиқлик аниқланди ($r=0,34$ ва $r=0,47$, $p=0,041$), енгил кечувчи гуруҳда ҳам заиф корреляция бор ($r=0,20$, $p=0,005$).

Барча БА беморларида клиник симптомлар ва бронхиал қаршилиқ индекси (R_{aw}) ўртасида аҳамиятли боғлиқлик топилди. COVID-19 ўтказган ўртача оғир ва оғир БАлиларда R_{aw} ва кундузги нафас олиш қийинлашуви хуружлари частотаси орасида кучли тўғри боғлиқлик ($r=0,58$ ва $r=0,65$, $p=0,005$) қайд этилди. Енгил БА+COVID-19 гуруҳда R_{aw1} ва кундузги бўғилиш хуружлари ўртасида камроқ кучсиз боғлиқлик бор ($r=0,21$, $p=0,009$).

Бу боғлиқликлар ўпканинг вентиляция функциясидаги номутоносблиқ ва кислородга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқ бўлиб, нафас етишмовчилигининг асосий сабаби саналади. Шу билан бирга, корреляциялар компенсатор-адаптацион механизмлар даражасини кўрсатиб, яллиғланишнинг хрониклашиши ва нафас йўллари ремоделланиши жараёнини тасвирлайди. Бу эса диагностика ва прогнози учун муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг «COVID-19 ўтказган болаларда бронхиал астма касаллигини даволаш усуллари оптималлаштириш» номли олтинчи бобида COVID-19 ўтказган болаларда БА учун дифференциал терапия методикаси баён этилган.

Дифференциал терапия режимини тузишда беморларнинг биокимёвий, иммунологик ва функционал параметрлари эътиборга олиниши лозим.

Тадқиқот учун БА билан касалланган жами 116 нафар бола танлаб олинди. Болалар 3 гуруҳга тақсимланди. Терапия турли усуллариининг самарадорлигини таққослаш беморларнинг таққосланган гуруҳларини барча хусусиятларга кўра бир ҳиллик шартларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилди.

I гуруҳга (назорат гуруҳи) БА билан касалланган, коронавирус инфекцияси бўлмаган 42 нафар бемор киритилди. Бу болаларга фақат гипоаллерген парҳез, режим, бронходилататор терапияси, антигистамин препаратлар, спазмолитиклар, муколитиклар ва балғам кўчирувчи воситалар,

симптоматик даволаш ва физиотерапия муолажаларини ўз ичига олган базис терапияси берилди.

II гуруҳни МЭ даражаси паст бўлган БА + COVID-19 билан касалланган 38 бемор ташкил этди. Ушбу болалар ИГК билан биргаликда «Мультитабс» витамин-минерал комплексини олдилар. Препарат хуруж бартараф этилган пайтдан бошлаб ҳар куни 1 таблеткадан 1 ой давомида буюрилди.

III гуруҳга бронхиал астма билан оғриган, бронхларида кескин ифодаланган ўзгаришлар аниқланган 36 бемор киритилди. Ушбу болаларга комбинацияланган терапия: ўртача дозаларда беклометазон (қунига 200–400 мкг) + таъсири узайтирилган β_2 -агонист – сальметерол 25 мкг дозада кунига 2 марта + тизимли энзимотерапия (Вобэнзим, 1 таблеткадан кунига 3 марта) буюрилди.

Касалликнинг эрта аниқланиши ва оғирлик даражаси асосида самарали коррекция ва назоратга эришиш мумкин. БАнинг қайтмас ўзгаришлари ногиронликни ошириш хавфини оширади, шу боис ўз вақтида оптимал даволаш муҳим.

COVID-19 ўтказган ва оғир БАли болаларда респиратор дисфункция кўпроқ қайд этилди. Назорат қилиб бўлмайдиган БА ўпка ремоделланиши ва пневмосклерозга олиб келади. Кортикостероидлар ўпка тўқимасида қайтарилмас ўзгаришларни олдини олиш вазифасини бажаради, аммо метаболлик бузилишларни тўлиқ коррекция қилмайди.

Клиник симптомлар ҳар куни баҳоланди ва клиник индекс (КИ) орқали касалликнинг аҳволига таъсир кўрсатилиши аниқланди. Лаборатор-функционал текширувлар даволаш бошланишидан олдин ва 1 ой ўтгач олиб борилди. Комбинацияланган терапия олганларда касаллик белгиларининг тезроқ ва самарали бартараф этилиши кузатилди.

Биринчи ҳафтанинг охирига келиб БА симптомлари ўрганилганда, барча гуруҳлардаги беморларда клиник симптомлар тахминан бир хил эканлиги қайд этилди, аммо комбинацияланган терапия фонида бу кўрсаткич фақат базис терапия олган болаларга нисбатан 20-25,8% га пастлиги қайд этилди.

Даволашнинг 14-қунида комбинацияланган терапияни олган болаларда симптомларнинг даражаси 1 баллни ташкил этди, бу уларнинг бартараф бўлганлиги ва бронхиал обструкциянинг йўқлигидан далолат берди. Фақат базис терапияси ўтказилган биринчи гуруҳдагина симптомларнинг тўлиқ бартараф бўлиши даволанишнинг 21-қунида кузатилди.

Дифференциал терапия (ДТ) олган II гуруҳдаги болаларда МЭ бузилишларининг меъёрлашуви кузатилди. Даволаш Mg^{+} даражасининг $65,21 \pm 0,03$ мкмоль/л ($P < 0,01$) гача сезиларли даражада ошишига олиб келди, бу I гуруҳ даражасидан ($36,24 \pm 0,02$ мкмоль/л) 1,8 баравар юқори.

III гуруҳдаги болаларда ДТ натижасида K^{+} даражасининг сезиларли пасайиши қайд этилди ва $1,83 \pm 0,05$ мкмоль/л ($p < 0,01$) ни ташкил этди, бу I гуруҳга нисбатан 1,29 марта паст ($2,37 \pm 0,02$ мкмоль/л). ДТ шунингдек Zn^{+} таркибининг ишончли даражада ошишига олиб келди ($35,73 \pm 0,375$ мкмоль/л) ($p < 0,01$) ва I гуруҳ кўрсаткичларидан 2,6 баравар юқорилиги кузатилди.

II ва III гуруҳлардаги болаларда Фосфор даражасининг ишончли даражада паст бўлиши аниқланди ва мос равишда $1.13 \pm 0,06$ мкмоль/л ва $1.14 \pm 0,06$ мкмоль/л ($p < 0,01$) ни ташкил этди, бинобарин, назорат гуруҳининг кўрсаткичларига яқинлашди. II гуруҳдаги болаларда ДТ таъсирида Ca^{+} даражасининг ишончли ўсиши қайд этилди, бу $2,14 \pm 0,08$ мкмоль/л ($p < 0,01$) ни ташкил этди, бу I гуруҳга нисбатан 1,1 марта паст ($1,9 \pm 0,06$ мкмоль/л).

Шундай қилиб, асосий терапияга Мультиабс витамин-минерал комплекси киритилган ДТ натижасида II гуруҳдаги болаларда Ca^{+} , Zn^{+} , K^{+} , P^{+} , Mg^{+} каби ҳаётий муҳим микроэлементлар бўйича МЭ статусининг коррекция қилинганлиги қайд этилди. Бу, ўз навбатида, БА+COVID-19 билан касалланган болаларда клиник-иммунологик кўрсаткичларнинг яхшиланишига олиб келди.

III гуруҳдаги болаларда ФНЧХ₁ кўрсаткичи $79,38 \pm 0,55\%$ ни ташкил этди, бу I гуруҳдаги кўрсаткичлардан ($69,2 \pm 0,4\%$) 1,14 марта юқори. Тиффно индекси III гуруҳда $80,5 \pm 0,7\%$ гача кўтарилди, бу I гуруҳдаги кўрсаткичлардан ($61,3 \pm 0,6\%$) 1,3 барабар юқорилигини аниқладик.


Энг яхши натижалар майда калибрли бронхларнинг ўтказувчанлиги кўрсаткичларида қайд қилинди – ЎҚХ/ЎУС. III гуруҳда ЎҚХ/ЎУС нисбати $97,2 \pm 0,4\%$ ни ташкил этди, бу I гуруҳдаги кўрсаткичларга нисбатан 1,48 марта юқори ($65,7 \pm 0,5\%$). Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, комбинацияланган терапия, шунингдек, иГКС ва витамин-минерал комплексини биргаликда қўллаш Вобэнзим ва иГКС нинг изоляцияланган қўлланилишига нисбатан самаралироқ ҳисобланади.

Динамик кузатув жараёнида статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар аниқланди, бу ДТ самарадорлигини тасдиқлади. Барча болалар тегишли мутахассислар: невропатолог, кардиолог, ЛОР шифокори томонидан кўздан кечирилди ва бир неча марта амбулаторияга ташриф буюришди, зарурат пайдо бўлганда эса аллергология бўлимига қайтадан госпитализация қилинди. Катамнестик кузатув доирасида COVID-19 ўтказган бронхиал астма билан касалланган 40 нафар бола текширилди. Қўлланиладиган терапияга боғлиқ равишда беморлар иккита кичик гуруҳга ажратилди: I гуруҳни ($n = 10$) стандарт базис терапиясини олган болалар; II гуруҳни ($n = 30$) ДТ олган болалар ташкил этди.

Катамнестик кузатув давомида клиник симптомлар, хуружлар частотаси, нафас олиш функцияси, лаборатория кўрсаткичлари ва даволаш самарадорлиги баҳоланди. Бу таҳлил COVID-19 ўтказган БА болаларда касаллик хусусиятлари ва реабилитация ёндошувларини аниқлашга ёрдам берди. Касалхонадан чиқарилгандан кейин 6 ой ўтгач, хуружлар частотасини ўрганиш шуни кўрсатдики, базис терапия (БТ) олган болаларнинг 70,0% да (14) – 3 ойдан кейин, 50,0% да (10) – 6 ойдан кейин, яна 50,0% да (10) – 12 ойдан кейин касалликнинг хуружи кузатилди. ДТ қабул қилган гуруҳдаги болаларда касалликнинг хуружи частотасининг кучайиши 3 ойдан кейин – 45,0% да, 6 ойдан кейин – 30,0% да, 12 ойдан кейин – 20,0% да кузатилди.

Олинган натижаларга асосланиб, болаларда БА касаллигида дифференциал даволаш усулининг самарадорлиги исботланди. Шу муносабат

билан биз томонимиздан COVID-19 ўтказган БА билан касалланган болаларни ташхислаш ва даволаш схемаси ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. БА фонида COVID-19 ўтказган болаларни диагностика қилиш ва даволаш схемаси

Ушбу алгоритм БА ва COVID-19 билан касалланган болаларни ташхислаш ва даволашда муҳим аҳамиятга эга. Терапиянинг асосий мақсади — касалликни назорат қилиш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва симптомлар ҳамда хавф омилларини мониторинг қилиш, қўзиши ва терапиянинг ножўя таъсирларини камайтириш.

Таклиф этилаётган даволаш усуллариининг иқтисодий самарадорлиги. БА фонида COVID-19 ўтказган болаларда БА ни даволаш усуллариининг самарадорлиги ремиссия давомийлигининг ошиши ва асоратлар туфайли госпитализациялар сонининг камайиши билан намоён бўлди. 36 ой давомида ДТ таркибида Вобэнзим ва Мультитабс қабул қилган БА+COVID-19 билан оғриган болалар $2,3 \pm 0,08$ марта, БТ олган болалар эса ўртача $4,6 \pm 0,1$ марта госпитализация қилинган. Таклиф этилаётган оптималлаштирилган даволаш схемасининг иқтисодий самарадорлиги стационарда қолиш муддатини 2 ётоқ кунига қисқартиришдан иборат. 2023 йилда бир беморнинг стационарда бўлиш нархи кунига 336 минг сўмни, 2 кун давомида иқтисодий тежамкорлик 1 бемор учун 672 000,0 минг сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

1. Бронхиал астмаси бўлган болаларнинг 59,2% да COVID-19 енгил шаклда, 38,4% да ўртача оғирликда ва фақат 2,4% да оғир шаклда кечган. Енгил кечиш асосан назорат қилинадиган БА бўлган болаларда кузатилди. БА фонида коронавирус инфекциясининг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат: узоқ муддатли қийновчи йўтал (76,2%), меъда-ичак тракти бузилишлари (25,7%) ва цефалгия (18,9%). COVID-19 даврида астма билан оғриган беморларда кучли хуружлар кузатилмаган.

2. Бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда яққол иммунологик ўзгаришлар кузатилди. Ҳужайравий ва гуморал иммунитетнинг ишончли ўзгаришлари аниқланди: CD3+, CD4+, CD8+ лимфоцитлари мос равишда 1,56; 2,34 ва 1,82 марта камайган, IgE эса 3,17 мартага ошган. Шунингдек, цитокинлар ҳолатида сезиларли ўзгаришлар қайд этилган: IL-8 5,8 марта, IL-4 7,9 марта, TNF- α 3,6 марта ошган, IFN γ эса 1,9 марта камайган ($p < 0,001$). Аниқланган дисбаланс патологик жараённинг барқарорлиги, унинг сурункали тус олиши ва бронхиал гиперреактивликнинг кучайишига ишора қилади.

3. COVID-19 билан касалланган бронхиал астма билан оғриган болаларда иммун ҳужайра фаоллашуви ва апоптоз белгиларида сезиларли ўзгаришлар ($p < 0,05$) аниқланди, бу Th2 жавобининг устунлиги билан иммун гомеостазининг бузилишини кўрсатади. Ушбу ўзгаришлар касалликнинг оғир ва узоқ давом этган ҳолатларида, шунингдек, COVID-19 дан кейинги даврда ($p < 0,01$) энг аниқ намоён бўлди, бу вирусли инфекциянинг иммунитет фаолиятига сезиларли таъсирдан далолат беради.

4. Бронхиал астма фонида COVID-19 ўтказган болаларнинг барчасида кичик бронхларда ўтказувчанлик бузилишлари (73,7%) кузатилди, ҳолбуки, коронавирус инфекциясига учрамаган болаларда бу кўрсаткич паст бўлиб, 41,3% ни ташкил этган.

5. Диагностикада бодиплетизмография (БПГ) усулидан фойдаланиш ҳатто спирометрия натижалари нормал бўлган беморларда ҳам (55,2%) обструктив бузилишларни аниқлаш имконини берди. БПГ параметрлари бронхиал қаршилиқлар кўрсаткичлари билан кучли тўғри корреляцияга эга ($r = +0,68$; $p < 0,0001$), айниқса, нафас чиқаришнинг бронхиал қаршилиги билан ($r = +0,73$; $p < 0,0001$). Шунингдек, ФНЧХ₁ ва ЎУС билан тескари корреляция аниқланган ($r = -0,69$; $p < 0,0001$).

6. Бронхиал астма билан оғриган болаларда Магний ва Рух каби элементларнинг миқдори камайган, Калий ва Фосфор миқдори эса соғлом болаларга нисбатан ошган. Бронхиал астма фонида COVID-19 билан касалланган болаларда Рух даражаси сезиларли даражада пасайган ($p < 0,005$). Бронхиал астма билан оғриган барча болаларда қон зардобиди Калий ва Фосфор концентрациясининг ортиши кузатилган. Бу эса ушбу элементларнинг бронхоконстрикция, шилликнинг гиперпродукцияси ва бронхиал шиллик қаватнинг шишишига олиб келувчи нейротрансмиттер ацетилхолин ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнашини кўрсатади.

7. Дисэлементоз бронхиал астманинг оғирлик даражасига боғлиқ бўлиб, касаллик оғир кечган болаларда ўрганилаётган макро ва микроэлементлар миқдори ўртача оғирликдаги болаларга нисбатан сезиларли даражада камайган. Ремиссия даврида гомеостаз бузилишининг сақланиб қолиши, айниқса, касалликнинг оғир кечувида яққол намоён бўлиб, бу бронх-ўпка тизимидаги яллиғланиш жараёнининг узоқ давом этганлигидан далолат беради.

8. Олиб борилган корреляцион таҳлил дисэлементоз ва бронхиал астманинг оғирлик даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатди. Қон зардобида Фосфор ва Калий миқдорлари ўртасида тўғри корреляция мавжудлиги аниқланди ($r=+0,78$ ва $r=+0,65$; $p<0,0001$). Шу билан бирга, Рух, Магний ва Кальций миқдорлари билан тескари боғлиқлик кузатилди ($r=-0,88$, $r=+0,53$ ва $r=-0,51$; $p<0,005$).

9. Бронхиал астмани дисэлементозни ҳисобга олган ҳолда дифференциал даволаш, энзим препаратлари ва витамин-минерал комплексларини қўллаш клиник, биокимёвий, иммунологик ва функционал кўрсаткичларни яхшиланишига ёрдам беради. Бу эса ремиссия давомийлигининг ошиши билан намоён бўлади. Бронхиал астма фонида коронавирус инфекциясини ўтказган болаларни катамнез кузатуви таклиф этилган дифференциал даволаш комплекси самарадорлигини тасдиқлайди ва бу хуружлар частотасини 2,4 марта камайиши билан ифодаланади.

10. Амбулатор ва стационар босқичларда тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар, шунингдек, COVID-19 ўтказган БА ли болаларни йўналтириш ва ёрдам кўрсатишни ташкил этиш алгоритми болаларда саломатлик кўрсаткичлари, даволаш ва реабилитация натижаларини яхшилаш имконини берди ҳамда юқори иқтисодий самарадорлик кўрсатди (тавсияларни жорий қилиш бошлангандан буён жами 372 млн сўмдан зиёд бюджет маблағи тежаб қолинди).

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01
ПРИ ИНСТИТУТЕ ИММУНОЛОГИИ И ГЕНОМИКИ ЧЕЛОВЕКА**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ТАШМАТОВА ГУЛНОЗА АЪЛОЕВНА

**КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ И ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ
ОСОБЕННОСТИ ДЕТЕЙ С БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМОЙ,
ПЕРЕНЕСШИХ КОРОНАВИРУСНУЮ ИНФЕКЦИЮ (COVID-19)**

**14.00.36 – Аллергология и иммунология
14.00.09 – Педиатрия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2025

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2023.4.DSc/Tib726

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.immunology.uz) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net)

Научные консультанты:	Наврзуова Шакар Истамовна доктор медицинских наук, профессор
	Халматова Барно Турдиходжаевна доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич доктор медицинских наук, профессор
	Шамсиев Фуркат Мухитдинович доктор медицинских наук, профессор
	Муллаева Лола Джавлановна доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Самаркандский государственный медицинский университет

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2025 года в _____ часов на заседании разового научного совета при Научном совете DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 при Институте иммунологии и геномики человека (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. акад. Я. Гулямова, 74. Тел./факс: (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qir.ru.)

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института иммунологии и геномики человека (зарегистрирована за №) (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. акад. Я. Гулямова, 74. Тел./факс: (99871) 233-08-55)

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2025 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «_____» _____ 2025 года.)

Т.У. Арипова

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней доктор медицинских наук, академик

Х.М.Хатамов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней доктор медицинских наук, DSc

А.А.Исмаилова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы заболеваемость бронхиальной астмой (БА) среди детей и подростков значительно растет и становится одной из самых серьезных проблем в системе здравоохранения, поскольку приводит к снижению качества жизни пациента и становится причиной инвалидизации. Многочисленные исследования показывают, что риновирусы, респираторно-синцитиальный вирус, аденовирусы, коронавирус и вирус гриппа усиливают воспаление и гиперреактивность дыхательных путей, способствуя возникновению или обострению приступов бронхиальной астмы. По данным Всемирной организации здравоохранения, «...отмена статуса пандемии не означает, что риск коронавируса полностью исчез»⁴. Сложность патогенеза бронхиальной астмы, ряд проблем, возникающих при ведении больных с этим заболеванием, а также его социально-экономические последствия требуют ранней клинико-иммунологической диагностики этого заболевания, разработки лечебных мероприятий и внедрения их в практическую медицину.

Рост числа случаев заболевания COVID-19 во всем мире обуславливает необходимость уделять особое внимание исследованиям, направленным на улучшение ранней диагностики, профилактики и лечения его осложнений. В связи с этим приоритетным направлением научных исследований является определение клинико-иммунологических изменений при бронхиальной астме у детей с коронавирусной инфекцией, определение состояния биохимических показателей, проведение молекулярно-генетических исследований, определение количества провоспалительных и противовоспалительных цитокинов. Наряду с этим, к числу актуальных проблем, стоящих перед специалистами в этой области, относятся баланс макро- и микроэлементов, оценка чувствительности бронхов и их функционального состояния, совершенствование методов диагностики, разработка дифференцированных методов лечения.

Среди широкомасштабных мер, реализуемых по совершенствованию системы здравоохранения в нашей стране, особое внимание уделяется ранней диагностике инфекционных и неинфекционных заболеваний, комплексному лечению, снижению и профилактике их осложнений. В этой связи, в соответствии с семью приоритетными направлениями новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы, для вывода уровня медицинского обслуживания населения на новый уровень поставлены такие задачи, как «...повышение качества оказания квалифицированных услуг населению в первичной медико-санитарной помощи...».⁵ Исходя из этого, подчеркивается, что необходимы долгосрочные исследования для вывода качества медицинских услуг на новый уровень, создания здоровой среды и особенно для определения клинико-иммунологических и функциональных

⁴ <https://www.kff.org/coronavirus-covid-19/press-release/>.

⁵ Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 “О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы”

особенностей бронхиальной астмы у детей, перенесших коронавирусную инфекцию (COVID-19).

Данная диссертация в определенной степени служит для реализации задач Указа Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Указа Президента Республики Узбекистан от 25 июля 2020 года УП-6035 «О мерах по смягчению коронавирусной пандемии, кардинальному совершенствованию системы санитарно-эпидемиологического благополучия и охраны здоровья населения», Постановления Президента Республики Узбекистан от 27 июля 2020 года №ПП-4790 «О мерах по организации деятельности службы санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здоровья Республики Узбекистан» и Постановления Президента Республики Узбекистан от 25 апреля 2022 года № ПП-215 «О дополнительных мерах по приближению к населению первичной медико-санитарной помощи и повышению эффективности медицинских услуг», а также других нормативно правовых документов, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.⁶

Научные исследования, направленные на определение клинико-иммунологических и функциональных особенностей бронхиальной астмы у детей, перенесших коронавирусную инфекцию, проводятся в ряде научных центров и высших учебных заведений мира, в том числе: экспертами ВОЗ (GINA, 2018, 2022), Children's Nutrition Research Center, Department of Pediatrics, Baylor College of Medicine (США), UNICEF, Center for Allergic and Immune Disorders (Нью-Йорк, США), National Institute of Allergy and Infectious Diseases (Мэриленд, США), Department of Prevention (Италия), Vilnius, Sveikatos mokslai (Литва), European Respiratory Society (Австрия), Murdoch Children's Research Institute (Австралия), National Institute of Biomedical Genomics, National Institute of Epidemiology (Индия), Sveikatos mokslai Health sciences in Eastern Europe, University of Chang Gung (Тайвань); Научный центр здоровья детей (Россия), Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр педиатрии и Ташкентской медицинской академии (Узбекистан).

В мировой практике получен ряд научных результатов по клинико-иммунологическим и медико-социальным аспектам бронхиальной астмы у детей, разработке и оптимизации различных методов ранней диагностики и лечения заболевания, в том числе: определена роль факторов риска в формировании аллергических заболеваний и его течения, клинико-иммунологические изменения (Children's Nutrition Research Center, Department of Pediatrics, Baylor College of Medicine, США); выявлена роль генов

⁶www.vanderbilt.edu, www.gwu.edu, www.columbia.edu, www.ovgu.de, www.dji.de, www.usp.br, www.kuleuven.be, lhmchosp.gov.in, www.schneider.org.il, www.cdc.gov, eng.tmu.edu.tw, karazin.ua, www.tma.uz

ARG16GLY и GLN27GLU в патогенезе атопической патологии у детей (National Institute of Biomedical Genomics, National Institute of Epidemiology, Индия); определена роль HLA-генотипа в развитие БА у детей и подростков (Научный центр здоровья детей, Москва); разработаны программы для ведение больных БА в период пандемии COVID-19 (All India Institute of Medical Sciences, Индия); разработаны рекомендации по ведению пациентов с БА с различными фенотипами и эндотипами в условиях пандемии COVID-19 (National Institute of Allergy and Infectious Diseases, Мэриленд, США); определена активность эозинофилов при диагностике атопической астмы у детей перенёсших коронавирусную инфекцию (Sveikatos mokslai Health sciences in Eastern Europe, Vilnius, Sveikatos mokslai, Литва); определена частота встречаемости, факторы развития, диагностика и комплексное лечение метаболического синдрома у детей с БА (Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр педиатрии, Узбекистан).

В настоящее время в мире активно проводятся исследования, направленные на изучение клинко-иммунологических и функциональных особенностей течения бронхиальной астмы у детей, перенёсших коронавирусную инфекцию. Основные приоритетные направления включают: выявление факторов риска развития аллергической патологии; определение наличия наследственной предрасположенности к бронхиальной астме; поиск биохимических и иммунологических маркеров, способствующих ранней диагностике; установление взаимосвязи между тяжестью течения бронхиальной астмы и функциональным состоянием бронхолёгочной системы; разработку алгоритмов ведения и лечения детей с бронхиальной астмой; оценку эффективности дифференцированных методов терапии у пациентов, перенёсших COVID-19; а также совершенствование профилактических мер, направленных на снижение частоты приступов бронхиальной астмы у детей.

Степень изученности проблемы. По данным многочисленных клинических исследований, проведенных в последние годы в разных странах мира, отмечается высокая встречаемость БА, которая является самым распространенным хроническим аллергическим заболеванием органов дыхания. Вирусные респираторные инфекции являются наиболее частыми триггерами тяжелых обострений БА у детей и взрослых (Su P., Jiang C., Zhang Y., 2023, Romero-Tapia S. J., 2023). В период пандемии COVID-19 предполагалось, что пациенты с аллергией и БА подвергнутся более высокому риску развития и тяжелому течению заболевания, однако Selberg S. et al. (Selberg S. et al., 2020) проанализировав статистические данные, исследования из разных стран, пришли к выводу, что БА и аллергия не являются факторами, увеличивающими риск заражения COVID-19 и не способствуют тяжелому течению заболевания, при условии если БА имеет контролируемое течение (Chen C. et al., 2024).

По мнению некоторых авторов, хронизация патологического процесса при БА приводит к ухудшению качества жизни больных, снижению их

активности, инвалидизации и повышению смертности (Hamadneh M., Alquran A., Manna R. 2023). Были определены клиничко-функциональные особенности течения БА у детей, и составлена программа профилактики данной категории больных (Кравченко Н. Ю., 2023.).

Данные, свидетельствующие об участии минералов и микроэлементов в разных звеньях патогенеза аллергии многочисленны, но разрозненные и противоречивые (Zajac D., 2021, Лебеденко А. А., 2023, Sindhuja S., 2023). При этом мало работ, в которых изучалось состояние микро- и макроэлементов детей, перенесших коронавирусную инфекцию на фоне БА (Moretti A., 2023).

В настоящее время в Республике Узбекистан проведено ряд исследований по изучению патогенеза и оптимизации методов лечения БА. Изучены иммунологические и генетические механизмы патогенеза БА у подростков и на этой основе сформирован план рациональных диагностических и лечебно-профилактических мероприятий (Зиядуллаев Ш.Х., 2015, Агзамова Ш.А., 2021, Закирова У.И., 2021); было совершенствовано патогенетическое лечение заболевания путем обобщённой оценки состояния эндотелиальной системы при бронхиальной астме, влияния ряда иммунологических показателей и неспецифических иммунных факторов и их взаимосвязи (Базарова С.А., 2016); разработаны научно-практические рекомендации по совершенствованию теоретических и методологических основ фармакосоциальной оценки лекарственных средств, применяемых при лечении заболеваний органов дыхания, аллергического ринита, бронхиальной астмы и хронической обструктивной болезни легких, а также по обеспечению лекарственными средствами, применяемыми при лечении заболеваний (Суюнов Н.Д., 2017; Мухторов Ш.М., 2023); выявлены патогенетические особенности лечения, реабилитации и профилактики острых респираторных заболеваний у детей, протекающих с синдромом бронхиальной обструкции (Хайдарова М.М., 2018; Махпиева Г.К., 2022); установлена частота встречаемости, факторы риска развития метаболического синдрома у детей с бронхиальной астмой и выявлены клиничко-лабораторные особенности для разработки комплексного подхода к их диагностике и лечению (Азизова Н.Д., 2019; Ганиев Б.С., 2023); изучена распространенность симптомов астмы и аллергии у школьников в промышленных регионах Узбекистана (Ташматова Г.А., 2020; Миррахимова М.Х., 2021).

До настоящего времени в Республике Узбекистан не проводились исследования о влиянии COVID-19 на течение БА, а также до конца не изучена роль макро- и микроэлементов в развитии БА у детей. Изучение клинических, биохимических, иммунологических изменений и функциональных особенностей бронхолегочной системы, а также оптимизация методов диагностики и дифференцированного лечения БА у детей, перенесших коронавирусную инфекцию, является актуальной проблемой педиатрии и аллергологии.

Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в соответствии

с планом НИР Ташкентской медицинской академии №011800231 «Изучение особенностей течения бронхолегочных и аллергических заболеваний у детей и совершенствование методов диагностики и лечения» (2022–2024 гг.).

Цель исследования заключается в выявлении клинико-иммунологических и функциональных особенностей течения бронхиальной астмы у детей, перенёсших коронавирусную инфекцию (COVID-19).

Задачи исследования:

выделить основные клинико-функциональные показатели бронхиальной астмы у детей, перенесших коронавирусную инфекцию;

изучить показатели иммунного статуса, про- и противовоспалительных цитокинов у детей, перенесших коронавирусную инфекцию на фоне БА;

определить состояние апоптоза лимфоцитов периферической крови детей с различной степенью тяжести БА, которые перенесли коронавирусную инфекцию;

изучить общее содержание макро- и микроэлементов в сыворотке крови в зависимости от тяжести течения бронхиальной астмы;

установить корреляционную связь между клиническими, иммунологическими, биохимическими, функциональными показателями и тяжестью течения бронхиальной астмы;

разработать комплексный подход и дифференцированные схемы лечения для детей перенесших коронавирусную инфекцию на фоне БА.

Объектом исследования явились 178 детей в возрасте от 7 до 15 лет с подтвержденным диагнозом бронхиальная астма, из них 72 детей, перенесших COVID-19 на фоне БА.

